

ТИЖОРAT БАНКЛАРНИНГ ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Нодирова У.Н

БФА тингловчиси

Замонавий иқтисодиётда тижорат банклари молиявий тизимнинг асосий иштирокчилари сифатида фаолият юритиб, иқтисодий жараёнларни барқарор ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Банк фаолиятида мажбуриятларни, айниқса қарз мажбуриятларини самарали бошқариш молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидликни сақлаш ва рақобатбардошликни оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қарз мажбуриятлари тижорат банкларининг ташқи манбалардан жалб қилган маблағларини ифода этади ва улар орқали банк ресурс базаси шаклланади. Шу жиҳатдан, қарз мажбуриятларини тўғри бошқариш банкнинг кредит бериш имкониятларини кенгайтириш ва инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2017–2025 йиллар давомида амалга оширилаётган молия-банк тизими ислохотлари доирасида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва миллий капитал бозорини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён банкларнинг қарз мажбуриятлари таркибини диверсификация қилишни, ички ва ташқи манбалардан маблағ жалб этиш механизмларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга, халқаро тажрибада қабул қилинган Базель қоидалари, МҲХС талаблари ва миллий меъёрий ҳужжатларни уйғунлаштириш орқали қарз мажбуриятларини бошқаришнинг

замонавий механизмларини қўллаш банк тизимининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Қарз мажбуриятлари бошқаруви самарадорлигини таҳлил қилиш орқали банклар ўзининг ликвидлик хавфини минималлаштириши, ресурслар нархини оптималлаштириши ва молиявий барқарорлигини таъминлаши мумкин. Шу боис мазкур мавзу илмий-назарий жиҳатдан ҳам, амалий аҳамият нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади.

Қарз мажбуриятлари – банкнинг ўз капиталига кирмайдиган, ташқи манбалардан жалб қилинган маблағлар ҳисобланади. Улар банк пасивларининг асосий қисмини ташкил қилади ва ресурс базасини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Илмий нуқтаи назардан, қарз мажбуриятларини бошқариш актив ва пасивларни мувофиқлаштириш, ликвидлик ва рентабеллик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш жараёнидир.

Г.Г. Коробова таъкидлаганидек, мажбуриятларнинг депозит ва нодепозит манбаларга ажратилиши банк ҳисоб-китобларида аниқликни оширади. Лаврушин ва бошқа муаллифлар эса пасивларни бошқаришда тизимли ёндашув муҳимлигини, унинг орқали банк барқарор ресурс базасини шакллантириши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Қарз мажбуриятларини бошқаришнинг асосий вазифалари:

✓ Ликвидликни таъминлаш: банк мажбуриятлари таркибини шундай шакллантириш керакки, банк ўз мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олиш имкониятига эга бўлсин.

✓ Хавфларни камайтириш: қарз ресурслари диверсификацияси (депозит, банклараро кредит, қимматли қоғозлар) орқали кредит ва

ликвидлик таваккалчиликларини пасайтириш.

✓ Рентабелликни ошириш: паст фоизли манбалардан маблағ жалб килиш ва уларни юқори фойда келтирадиган активларга йўналтириш.

✓ Муддатли мувофиқлаштириш: пасивларнинг муддати активлар билан уйғунлашган ҳолда ташкил этилиши.

Ликвидлик – бу банкнинг ўз зиммасидаги мажбуриятларни белгиланган муддатда ва ўз вақтида қоплаш қобилиятидир. Лаврушин О.И. таъкидлаганидек, ликвидликнинг таъминланиши банк барқарорлиги ва мижозлар ишончининг асосий шартларидан ҳисобланади. Агар банк ликвидликни таъминлай олмаса, у ҳатто рентабел фаолият кўрсатса ҳам молиявий инқирозга дуч келиши мумкин.

Банкнинг ликвидлик ҳолати мажбуриятлар ва активлар ўртасидаги мутаносибликка боғлиқ. Назарий жиҳатдан қуйидаги принциплар муҳим аҳамиятга эга:

Муддатли мувофиқлаштириш пасивларнинг қайтариш муддати активлардан тушадиган даромадлар муддатига мос келиши зарур. Гар- анализ: актив ва пасивлар муддатлари ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб, ликвидлик хавфини баҳолаш.

Liquidity Coverage Ratio (LCR) – Базель III стандартларига кўра, банкнинг юқори ликвид активлари 30 кун ичидаги мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлиши лозим. Формула:

$$LCR = \frac{\text{Юқори ликвид активлар}}{\text{30 кунлик соф чиқимлар}} \times 100\%$$

Бу кўрсаткич халқаро амалиётда 100% дан паст бўлмаслиги керак.

Ликвидликни таъминлаш – бу банк пасивлари ва активларини мутаносиб бошқариш жараёни бўлиб, у фақатгина молиявий барқарорлик эмас, балки мижозлар ишончини ҳам кафолатлайди. Илмий-назарий жиҳатдан ликвидлик бошқаруви Базель III талабларига мувофиқ коэффициентлар асосида баҳоланади, амалда эса депозитлар таркибини диверсификация қилиш, марказий банк воситалари ва қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш орқали таъминланади.

1-жадвал

Банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари¹

	С	Ю	Ю	Ли	Со	Лах
	ана	қори ликвид ли активла р,млрд. сўм	қори ликвидли активлар нинг жами активларг а нисбати, фоизда	квидлили кни қоплаш меъёри коэффици енти, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз	ф барқарор молиялаш тириш меъёри, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз	зали ликвидлил ик коэффицие нти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз
	0	1	19,	211	115	110,

¹ Марказий банк маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томондан тузилди.

	1.01.2023	04	4	,6	,6	1
	й.	472,90				
	0	9	14,	164	111	87,4
	1.01.2024	6 909,50	9	,8	,8	
	й.					

Такдим этилган жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, 2023 йил бошидан 2024 йил бошигача тижорат банклари ликвидлик кўрсаткичларида маълум ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, юқори ликвидли активлар 104,5 трлн сўмдан 96,9 трлн сўмгача камайган. Бу ҳолат умумий активлардаги улушнинг 19,4 фоиздан 14,9 фоизга тушишига олиб келди. Бундай динамика банклар ликвидликни таъминловчи тез айланувчи активларнинг қисқарганидан далолат беради. Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти 211,6 фоиздан 164,8 фоизга пасайиши, айниқса, банклар томонидан жалб қилинган қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажми ортиб, уларни таъминлайдиган ликвид активлар ҳажми етарлича ўсмаганини кўрсатади. Бу эса, норматив (100%)дан анча юқори бўлса-да, банклар учун эҳтиёт чораларини кучайтириш зарурлигини англатади.

Соф барқарор молиялаштириш меъёридаги 115,6 фоиздан 111,8 фоизга камайиш, асосан, банк ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағлар улушининг қисқариши ва миқдорлар томонидан омонатларнинг кўпроқ қисқа муддатли шаклларда жалб қилиниши билан изоҳланиши мумкин. Бу жараён депозит сиёсатининг Марказий банк томонидан белгиланган фоиз сиёсатига, инфляция даражаси ва қайта молиялаш

ставкасига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши билан изоҳланади. Энг жиддий пасайиш лаҳзали ликвидлилик коэффицентида кузатилган – 110,1 фоиздан 87,4 фоизга. Бу кўрсаткичнинг 25 фоизлик минимал талабдан юқори бўлишига қарамасдан, ўтган йилга нисбатан пасайиши банкларнинг жорий тўлов қобилятига босим ошганидан далолат беради. Асосий таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ✓ миллий валютада депозитлар таркибидаги қисқа муддатли омонатлар улушининг ошиши;
- ✓ банкларнинг қарз мажбуриятлари таркибида банклараро кредитлар ва РЕПО битимларига таянган ҳолда ресурслар жалб қилиши;
- ✓ жаҳон молия бозорларидаги ноаниқликлар ва ички иқтисодий фаоллик даражасининг ўзгариши.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан белгиланган ҳисобварақлар режаси ва норматив талаблар банкларнинг ликвидлик сиёсатида муҳим назорат механизмларини таъминлайди. Демак, келгуси йилларда тижорат банклари учун ликвидлиликни таъминлашда ресурсларни диверсификация қилиш, узоқ муддатли пасивларни жалб этиш ва тез айланувчи активлар улушини ошириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, 2023–2024 йилларда банк ликвидлиги кўрсаткичларида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлиб, бу кўпроқ ташки иқтисодий шароит, фоиз ставкалари сиёсати ва депозит таркибининг ўзгариши билан белгиланади. Шу сабабли, банклар ликвидликин таъминлашнинг замонавий усуллари (қарз қимматли қоғозлари чиқариш, капитални кенгайтириш, бозор инструментларидан фойдаланиш) кенгрок

жорий этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларининг қарз мажбуриятларини бошқариш жараёни молиявий барқарорликни таъминлашда, ликвидлик хавфини камайтиришда ва банк ресурс базасини диверсификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани тадқиқот жараёнида яққол намоён бўлди. Қарз мажбуриятларини самарали бошқариш орқали банklar ўз фаолиятида узоқ муддатли молиялаштириш имкониятларини кенгайтириши, кредит ва инвестиция сиёсатини мувозанатли амалга ошириши ҳамда рақобат шароитида барқарорликка эришиши мумкин.

Амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тижорат банкларида қарз мажбуриятлари асосан депозитлар, халқаро молия институтлари кредитлари, қимматли қоғозлар ва банklararo ресурслар ҳисобига шаклланмоқда. Бироқ ташқи манбаларнинг қиммати юқори бўлиши ва геосиёсий хавф-хатарлар улардан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Шу боис банklar ички бозордаги барқарор ресурс манбаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Таклифлар:

1. **Қарз мажбуриятларини диверсификация қилиш** – банklar ички ва ташқи манбалар ўртасида мувозанатли сиёсат юритиб, асосий эътиборни муддатли депозитлар ва миллий капитал бозори орқали ресурс жалбига қаратсин.

2. **Фоииз сиёсатини оптималлаштириш** – банklar мижозлар учун жозибадор депозит маҳсулотларини таклиф этиши ва халқаро молия

институтларидан жалб қилинадиган ресурслар бўйича харажатларни пасайтириш чораларини кўриши зарур.

3. Халқаро тажрибани жорий қилиш – Базель III талабларида кўзда тутилган ликвидлик ва барқарор молиялаштириш меъёрларини босқичма-босқич миллий амалиётга жорий этиш орқали банкларнинг хавфларга чидамлилиги оширилиши лозим.

4. Капитал бозорини ривожлантириш – банклар ўз облигацияларини чиқариш, корпоратив қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш орқали ресурс базасини узоқ муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаши мақсадга мувофиқ.

5. Ички назорат ва бошқарув тизимини такомиллаштириш – қарз мажбуриятлари билан боғлиқ хавфларни баҳолаш ва уларни камайтириш мақсадида актив-пассивларни бошқариш қўмиталари (ALCO)нинг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида қарз мажбуриятларини бошқариш самарадорлигини ошириш нафақат банкларнинг барқарор ривожланишига, балки миллий молия бозорининг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лаврушин О. И. Банковское дело : современные принципы организации. – Москва : КноРус, 2020. – 432 с.
2. Мишкин Ф. С. Пул, банклар ва молия бозорлари : дарслик / тарж.

Ўзб. тилига. – Тошкент : ТМИ, 2018. – 688 б.

3. 11. Пещанская И. В. Банковские операции и управление пассивами. – Москва : Финансы и статистика, 2019. – 298 с.
4. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет. – Б. 214.
5. Абдуллаева Ш.З. Банк иш. -Т.: Молия 2003 йил, 131 б.
6. АТ Халқ банк ҳисобот маълумотлари.
7. European Central Bank. Annual Report, 2023.
8. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
9. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).